

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

579 Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-сон қарорларининг талаблари бажарилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Куйидагилар:

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбалари аниқланганда назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Соғликни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жойларда Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими кучлари ва воситаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиши масалаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳар йилги мавзули тактик-махсус машқларни ўтказсан.

3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар уч ой муддатда Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг ҳудудий ҳамда функционал ёрдамчи тизимлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий нормативхукуқий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирынлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

51 (551)-сон

— 47 —

579-модда

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 20 декабрь,
358-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 20 декабрдаги 358-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш,
барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат
тизими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг асосий вазифалари, таркиби ва уни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими ўзида табиий, техноген ва бошқа хусусиятга эга бўлган, жойнинг радиоактив ифлосланиши билан бирга кечадиган (радиациявий авариялар) фавқулодда вазиятлардан ахоли ва худудларни химоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасаларнинг кучлари ва воситаларини бирлаштирадиган ташкилий-техник тизимни ифодалайди.

3. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга амал қиласди.

II. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниклаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг асосий вазифалари ва мақсадлари

5. Қўйидагилар Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниклаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг асосий вазифалари хисобланади:

табиий, техноген ва бошқа тарзда келиб чиқадиган радиациявий авариялардан хабардор қилиш ва уларнинг оқибатларини тугатишда радиация хавфисликтин таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини (концепциясини) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

радиациявий аварияларни, шунингдек уларга олиб келадиган ташқи ва ички таҳдидларни прогнозлаштириш, уларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниклаш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш чора-тадбирларини режалаштириш ва улар амалга оширилишини таъминлаш;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниклаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг кичик тизимлари фаолият кўрсатишини ташкил этиш ва уларнинг норматив-хукуқий базасини ишлаб чиқиши;

радиациявий хавфли обьектлар ва участкаларда радиациявий вазиятини мунтазам кузатиш ва назорат қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш (радиация мониторинги);

радиациявий авариялар таҳдида ёки юзага келиш хавфи бўлган тақдирда хабардор қилиш ва ҳаракат қилиш учун мўлжалланган Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниклаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг куч ва воситалари доимий тайёргарлигини ташкил этиш ва ҳолатини назорат қилиш чора-тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш;

жойларда радиациявий авариялардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш учун мўлжалланган моддий ва молиявий ресурслар захирасини ташкил этиш;

радиациявий авариялардан хабардор қилиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, радиациявий аварияларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш ишларига жалб этиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий суғурта қилиш;

радиациявий аварияларнинг олдини олиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш ишларида қатнашган ҳамда чекланган йўл қўйиладиган микдордан ортиқча нурланган шахсларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида уларга имтиёзлар ва тиббий-психологик реабилитацияни тақдим этиш;

радиациявий хавфислилар ва радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниклаш ва ҳаракат қилиш соҳасида илфор халқаро тажрибани жорий этиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

6. Қўйидагилар Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниклаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг мақсадлари хисобланади:

ахоли ва ҳудудларни радиациявий химоя қилиш тадбирларини олдиндан ўтказиш, радиациявий аварияларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини минималлаштириш ва тугатиш;

реал радиациявий вазият тўғрисида маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва ахборот алмашиш, шунингдек ахборот-таҳлил кичик тизимларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ушбу ахборотни Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими бошқаруви органларига тақдим этиш.

III. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимини ташкил этиш тартиби

7. Радиациявий аварияларини прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими Республика ҳудудида радиациявий вазиятнинг ҳолати, радиациявий вазиятнинг барқарорлигига хавф солувчи манбалар ва жараёнларни барвақт аниқлаш ва таҳлил қилиш устидан доимий назорат (мониторинг)ни таъминлаш ва радиациявий вазиятни баҳолаш натижалари асосида барқарор радиациявий вазиятни сақлаб қолиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўриш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасаларнинг кучлари ва воситаларини бирлаштиради.

8. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими ҳудудий, функционал ва ахборот-таҳлил кичик тизимларидан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий тизимлари ўз ҳудудлари доирасида радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, улардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасаларнинг кучлари ва воситаларини бирлаштиради.

Функционал кичик тизимлар ушбу Низомнинг 15 — 21-бандларида кўрсатилган радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш бўйича муайян функцияларни амалга ошириш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви Республика органларининг ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмаларининг кучлари ва воситаларини бирлаштиради.

9. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими Республика, маҳаллий ва объектлар даражаларига бўлинади. Ҳар бир даражада:

раҳбарлик қилувчи орган;

кундалик бошқариш органи;

радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш, улар-

579-модда

— 50 —

51 (551)-сон

дан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатишнинг куч ва воситалари;

моддий-техника захиралари ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

10. Раҳбарлик қилувчи органлар — бу ахоли ва худудларни радиациявий хусусиятли таҳдидлардан ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган органлар. Улар:

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси;

маҳаллий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни;

объектлар даражасида — радиациявий хавфли объект / ионлаштирувчи нурланиш манбалари мавжуд бўлган объект раҳбариюти (маъмурияти) билан ифодаланади.

11. Кундалик бошқариш органлари — бу радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барваҳт аниқлаш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш бўйича кучлар ва воситаларни бевосита бошқариш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви органлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар:

республика даражасида — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилийда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет» маркази), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси;

маҳаллий даражада — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзгидромет» маркази нинг худудий бўлинмалари;

объектлар даражасида — радиациявий-хавфли объектлар / ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчиларнинг фавқулодда вазиятлар бўйича бўлимлари (мутахассислар).

12. Атроф мухитнинг ҳолати устидан радиациявий назоратни ҳамда ахоли ва худудларни радиациявий авариялар оқибатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш вазифасига кирадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасаларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барваҳт аниқлаш, улардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни тугатиш кучлари ва воситалари ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган тузилмалар (бўлинмалар) таркибига кўра идоравий, худудий ва объектлар тузилмаларига бўлинади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг радиациявий назоратни амалга ошириш ҳамда радиациявий разведка ва химоя қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган тузилмалари идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларга тегишли бўлади. Идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларнинг асосини Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзгидромет» марказининг тузилмалари ташкил этади;

худудий ихтисослаштирилган тузилмалар давлат бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмаларининг худудий бўлинмалари, корхоналар ва муассасаларнинг тузилмалари, шунингдек улар негизида ташкил этиладиган юқори тайёргарлик фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳисобланадиган маҳсус химоянинг йифма мобил отрядлари вилоят бўлинмалари билан ифодаланади;

объектли ихтисослаштирилган тузилмалар авария-техник командалари (гурухлар), радиациявий разведка, маҳсус ишлов бериш гурухлари ва радиациявий-хавфли объектларда ташкил этиладиган бошқа тузилмалар билан ифодаланади.

Аҳоли ва ҳудудларни радиациявий химоя қилиш, радиациявий авариялардан хабардор қилиш, уларнинг оқибатларини минималлаштириш ва тугатиш тадбирларини олдиндан ўтказиши мақсадида Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими даражаларининг хар бирида уларнинг бошқарув органлари хатти-ҳаракатлари ва куч ва воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги режалари ишлаб чиқилади. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг ҳар бир даражасида саъй-ҳаракатлар режаси ўз вақтида ишлаб чиқилиши учун кундалик бошқарув органлари жавоб беради.

13. Радиациявий авариялардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш бўйича тадбирларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қўшилмалари, қисмлари ва муассасалари жалб этилиши мумкин.

Шунингдек авария-қутқарув ва қидирув-қутқарув тузилмалари белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин.

**IV. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш,
барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат
тизимининг амал қилишини таъминлаш бўйича давлат
органларининг функциялари**

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат

579-модда

— 52 —

51 (551)-сон

кат қилиш тизимини ташкил этиш ва унинг фаолияти устидан умумий раҳбарлик қилади;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

атроф муҳитнинг радиациявий ифлосланишидан хабардор қилиш ва оқибатларини тугатиш бўйича маҳсус орган – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Радиациявий ва ядровий хавфсизлик бўйича комиссия орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар хамда уларнинг жойлардаги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва самарали ўзаро хамкорлигини ташкил этади;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва харакат қилиш ягона давлат тизимининг куч ва воситаларини молиявий ва ресурслар билан таъминлайди.

15. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

кундалик бошқарув органлари фаолиятини, Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва харакат қилиш ягона давлат тизимининг куч ва воситаларини мувофиқлаштиради;

республика бўйича радиациявий вазият устидан мониторинг натижалари бўйича маълумотлар тўплайди, уларни таҳлил қилади ва алмашади;

ўзаро хамкорлик қилувчи тузилмаларни радиациявий авария хавфи ёки у юз берганлигидан хабардор қилади ва уларга биринчи бўлиб муносабат билдириш ташаббуси билан чиқади;

радиациявий авария (радиологик терроризм) кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади;

ахоли барча қатламларини радиациявий авариялар (радиологик терроризм ҳаракатлари) шароитларида харакат қилишга ўқитишни ташкил этади ва амалга оширади;

идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларнинг радиациявий-хавфли зонани разведка қилишга, ионлаштирвчи нурланиш манбани идентификация қилишга, шахсий таркиб (ходимлар) ва жойга маҳсус ишлов беришга доимий тайёргарлигини таъминлайди;

захирага қўйиладиган моддий-техника ресурсларининг микдори ва таркиби бўйича тавсияларни ишлаб чиқади;

барча даражаларда радиациявий авариялардан хабардор қилиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича тадбирларни режалаштириш юзасидан ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади;

радиациявий аварияларда биринчи бўлиб ҳаракат қилиш куч ва воситалари тайёрланишини назорат қилади;

жойнинг радиоактив ифлосланиши билан боғлиқ жараёнларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва уларни тугатиш бўйича норматив-хукуқий хужжатлар ва методик хужжатларни ишлаб чиқиша иштирок этади;

радиациявий аварияларни барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш, шу жумладан радиологик терроризм ҳаракатлари соҳасида хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганади ва амалиётга жорий этади.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, сув (очиқ ва ёпик манбалари)нинг радионуклидлар билан ифлосланиши ҳолатини назорат қиласди;

радиациявий авариялар (радиологик терроризм ҳаракатлари)нинг кенгай-ишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш тадбирларини амалга оширади;

ионлаштирувчи нурланиш, радиациявий-хавфли материаллар (улар кўмилгунига қадар) манбаларини вақтинча сақлаш тартибини белгилайди;

радиациявий авариялар кенгайишига йўл қўймаслик ва уларнинг оқибатларини тугатиш ишларига жалб этиладиган ходимлар (шахсий таркиб) учун радиациявий хавфсизлик режимини белгилайди;

радиациявий-хавфли обьектлар ва худудлар яқинида ҳамда бевосита ўша жойларда радиациявий фонни доимий асосда ўлчайди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кризис вазиятларни бошқариш марказини ва худудий бошқармаларнинг ахборот-таҳлил хизматларини (тезкор навбатчилар гурухларини) жорий ва тезкор маълумотлар билан таъминлайди;

идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларнинг радиактив ифлосланиш зоналари чегараларини, жойнинг радиометриясини аниқлаш ҳамда ионлаштирувчи нурланиш манбанини бирламчи идентификациялаш бўйича ишларни бажаришга доимий тайёргарлигини таъминлайди;

радиациявий авариялар (радиологик терроризм ҳаракатлари)нинг кенгай-ишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш ишларни бажаришга жалб этилган ходимлар (шахсий таркиб)нинг якка тартибдаги ва жамоавий дозиметрик назоратини, шунингдек уларнинг тиббий ҳимоя қилинишини ташкил этади ва амалга оширади;

радиациявий аварияларнинг олдини олиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш бўйича ишларни олиб борган ҳамда чекланган йўл қўйиладиган миқдорлардан ортиқча нурланган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда қатнашади, шунингдек уларга имтиёзлар берилишини ва улар тиббий-психологик реабилитация қилинишини таъминлайди;

жойнинг радиоактив ифлосланиши билан боғлиқ жараёнларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва тугатиш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар ва методик хужжатларни ишлаб чиқишида қатнашади;

вазирликлар ва идораларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари ходимларини (биринчи бўлиб ҳаракат қилиш гурухларини) радиактив ифлосланиш ўчоғида ҳаракат қилишига ўқитади;

радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганади ва амалиётга жорий этади.

17. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

жойнинг радиоактив ифлосланиши билан боғлиқ жараёнларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва тугатиш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар ва методик хужжатларни ишлаб чиқишида қатнашади;

579-модда

— 54 —

51 (551)-сон

ўсимликичилик ва чорвачилик маҳсулотлари, озука, ўтлоқлар ва яйловлар тупроғи ва ўсимликлари радионуклидлар билан ифлосланиши ҳолатини назорат қиласди;

қишлоқ хўжалиги ерлари, экинзорлари ва маҳсулотлари радионуклидлар билан ифлосланишидан хабардор қилиш ҳамда радиациявий фон белгиланган нормалардан ортиқча эканлиги аниқланган тақдирда радионуклидлар билан ифлосланиш даражасини пасайтириш чора-тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади;

идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларнинг радиациявий авариялар юзага келиши хавфи бўлган тақдирда уларни барвақт аниқлаш ва уларга муносабат билдириш, дезактивизация қилиш ишларини ўtkазиш бўйича хатти-харакатларга доимий тайёрлигини таъминлайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озука ва қишлоқ хўжалиги экинзорлари тупроғи ва экинзорлар радионуклидлар билан белгиланган нормалардан ортиқча ифлосланиши ҳолатларидан хабардор қилиш, барвақт аниқлаш ва харакат қилиш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганади ва амалиётта жорий этади.

18. Давлат божхона қўмитаси:

радиоактив материаллар республика ҳудудига /ундан/ у орқали олиб кирилиши/ олиб чиқилиши/ транзити устидан радиациявий назоратни амалга оширади;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва харакат қилиш ягона давлат тизими бошқаруви органларини белгиланган нормалардан ортиқча радионуклидлар мавжуд бўлган материаллар республика ҳудудидан/ га олиб чиқилиши/ олиб кирилишининг рухсат берилмаган уринишлари аниқланиши ҳолатлари тўғрисида хабардор қиласди, ва белгиланган тартибда уларнинг олиб кирилиши/ олиб чиқилишига йўл қўймаслик, шунингдек уларни жўнатувчига қайтариш тартиб-таомиллари ташабbusи билан чиқади;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланиши устидан божхона назорати, шунингдек радиациявий аварияларни барвақт аниқлаш ва харакат қилиш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганади ва амалиётта жорий этади.

19. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси:

атроф мухитнинг радиоактив ифлосланишини пасайтиришга ва /ёки улар хақида хабардор қилишга йўналтирилган ишлаб чиқилган тадбирлар саноат объектлари томонидан бажарилишини мувофиқлаштиради;

антропоген манбалар атроф мухити, шунингдек уларнинг таъсири зонасига кирадиган объектлар атрофи ва яқини радионуклидлар билан ифлосланиши ҳолати устидан кузатиш ва назорат қилишни ташкил этади ва амалга оширади;

атроф мухит (хаво, сув ва тупроқ) радионулидлар билан ифлосланиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, таҳлил қиласди ва умумлаштиради, уларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кризис вазиятларни бошқариш марказига ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ахборот-такс

51 (551)-сон

— 55 —

579-модда

лил хизматларига (тезкор навбатчилар гурухларига), шунингдек манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказилишини таъминлайди;

идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларнинг радиациявий авариялар (радиологик терроризм харакатлари) ўчоқларида сув, хаво ва тупроқ намуналарида радионуклиидлар мавжудлиги бўйича ишларни бажаришга доимий тайёргарлигини таъминлайди;

радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганиди ва амалиётга жорий этади.

20. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси:

радиациявий аварияларни, шунингдек уларга олиб келган ички ва ташки таҳдидларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларини режалаштиришда ва уларнинг амалга оширилишини таъминлашда қатнашади;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг норматив-хуқуқий базасини ишлаб чиқиш, кенгайтириш ва такомиллаштиришни таъминлайди;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг куч ва воситаларини радиациявий авариялар ва радиологик терроризм харакатлари юзага келиш хавфи бўлган тақдирда тезкор ҳаракат қилишга тайёрлашда қатнашади;

радиациявий хавфсизлик ва радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш соҳасида илфор халқаро тажрибани жорий этиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

21. «Ўзгидромет» маркази:

мониторингнинг мавжуд постлари билан боғлиқликда аҳоли пунктлари ҳудудида атмосферанинг ерга яқин қатламишининг радиоактив ифлосланишини назорат қилувчи идоравий тизимнинг фаолиятини ташкил этади ва таъминлайди;

идоравий ихтисослаштирилган тузилмаларни (радиациявий вазиятни аниқлаш ва прогноз қилиш бўйича гурухларни) ташкил этади ва уларнинг радиациявий авариялар (радиологик терроризм) ўчоқлари ва ўчоқлари яқинида ҳаракат қилишга доимий тайёргарлигини таъминлайди;

жойнинг радиоактив ифлосланиши билан боғлиқ жараёнларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва тугатиш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар ва методик хужжатларни ишлаб чиқишида қатнашади;

атмосферанинг ерга яқин қатлами радиоактив ифлосланиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, таҳлил қиласида ва умумлаштиради;

аҳоли пунктлари ҳудудидаги радиациявий вазиятнинг ҳолати тўғрисидаги жорий ва тезкор маълумотларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кризис вазиятларни бошқариш марказига ва ҳудудий бошқармаларнинг ахборот-таҳлил хизматларига (тезкор навбатчилар гурухларига) етказади;

атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сув радионуклиидлар билан белгиланган нормалардан ортиқча ифлосланиши ҳолатларини прогнозлаштириш ва бар-

579-модда

— 56 —

51 (551)-сон

вақт аниқлаш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиди ва амалиётга жорий этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

радиациявий авариялардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл кўймаслик ва оқибатларини тугатиш бўйича қарорлар қабул қилишда Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг раҳбар органларини ва кундалик бошқарув органларини эксперт қўллаб-куватлади;

радиациявий аварияларни прогнозлаштириш ва улар пайдо бўлиши хавфини барвақт аниқлашнинг замонавий усулларини, шунингдек биринчи бўлиб муносабат билдириш бўлинмалари ходимларини химоя қилиш усулларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

радиоактив материалларнинг турлари, тартиби ва қувватини узил-ке сил идентификациялаш бўйича ишларни ташкил этади ва амалга оширади;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини заарсизлантириш (кўмиб ташлаш) ишларини бажаради;

Давлат божхона қўмитасининг портал мониторинг тизими зарур тарзда ишлашини қўллаб-куватлаш учун илмий ва техник кўмаклашади;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кризис вазиятларни бошқариш марказини ва худудий бошқармаларнинг ахборот-таҳжил хизматларини (тезкор навбатчилар гурухларини) жорий ва тезкор ахборот билан таъминлайди;

ўзининг ихтисослаштирилган тузилмаларининг радиациявий авариялар (радиологик терроризм ҳаракатлари)дан хабардор қилишга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доимий тайёргарлигини таъминлайди;

радиациявий авариялар оқибатларини тугатиш ишларини бажаришда идоравий ходимлар устидан якка тартибда ва жамоавий радиациявий назоратни ташкил этади ва амалга оширади;

жойнинг радиоактив ифлосланиши билан боғлиқ жараёнларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва тугатиш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқишида қатнашади;

вазирликлар ва идораларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари (биринчи бўлиб ҳаракат қилиш гурухлари) ходимларини радиоактив ифлосланиш ўчоғида ҳаракат қилишга ўқитади;

радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиди ва амалиётга жорий этади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари:

ўзлари ҳузурида янгидан ташкил этиладиган худудий идоралараро комиссиялар орқали маҳаллий даражадаги Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимига раҳбарлик қиласи;

тегишли маъмурий-худудий бирлик доирасида барқарор радиациявий вазиятни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини таъминлашга

доир тадбирлар амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этади ва амалга оширади;

барқарор радиациявий вазиятни сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс тадбирлар (ташкилий, профилактик, муҳандис-техник ва бошқалар) самарадорлигини оширишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

ахоли ва худудларни радиациявий авариялардан (радиологик терроризм ҳаракатларидан) ва уларнинг оқибатларидан ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, корхоналар ва муассасалар фаолиятини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини мувофиқлаштиради;

идоравий мансуб ҳудудда ташкил этилган ва (ёки) жойлаштирилган худудий, идоравий ва объектлар ихтисослаштирилган тузилмалари куч ва воситаларининг тайёргарлигини ва уларни доимий тайёр ҳолатда сақлашни назорат қилади;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланиши устидан давлат ҳисоби ва назорати тизими фаолиятини назорат қиласди;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими бошқарувининг республика ва худудий органлари ўртасида маълумотлар тўпланиши, таҳлил қилиниши ва алмашиниши ташкил этади;

радиациявий авариялардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш учун мўлжалланган моддий ва молиявий ресурслар захирасини ташкил этади.

V. Ахборот-таҳлил кичик тизими

24. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг ахборот-таҳлил кичик тизими ўзида табиий, техноген ва бошқа хусусиятга эга бўлган, жойнинг радиоактив ифлосланиши билан бирга кечадиган (радиациявий авариялар) фавқулодда вазиятлардан ахоли ва худудларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиyati органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасаларнинг навбатчи-диспетчерлик (диспетчерлик) хизматларини бирлаштирадиган ташкилий-техник тузилмани ифодалайди.

25. Ахборот-таҳлил тизимининг асосий вазифаси — радиациявий хавфсизликнинг белгиланган нормалари ортиқча бўлиши ҳолатлари тўғрисида бошқарув органларига ва Радиациявий аварияларини прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг куч ва воситаларига тезкор хабар берилишини таъминлаш ҳамда юзага келиши таҳдиидни бартараф этиш, шунингдек радиациявий аварияларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш мақсадида ҳаракат қилиш механизмила-ри ташабbusи билан чиқиш.

579-модда

— 58 —

51 (551)-сон

26. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг ахборот-таҳлил кичик тизими:

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кризис вазиятларни бошқариш маркази, шунингдек ваколатли вазирликлар ва идораларнинг навбатчи-диспетчерлик хизматлари;

маҳаллий даражада — фавқулодда вазиятлар бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ахборот-таҳлил хизмати ҳамда ваколатли вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари навбатчи-диспетчерлик хизматлари;

объектлар даражасида — радиациявий-хавфли объектлар / ионлаштирувчи нурланиш манбалари мавжуд бўлган объектларнинг навбатчи-диспетчерлик хизмати билан ифодаланади.

27. Ахборот-таҳлил тизими фаолиятига амалий раҳбарлик қиладиган Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кризис вазиятларни бошқариш маркази ахборот-таҳлил кичик тизимининг мувофиқлаштирувчиси ва бош органи ҳисобланади.

28. Ахборот-таҳлил кичик тизими ҳамда умуман бутун тизим фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти методик раҳбарлик қилади.

29. Ахборот-таҳлил кичик тизимида маълумотлар айирбошлаш умумий фойдаланиладиган алоқанинг глобал тармоғи (Интернет) негизида ташкил этиладиган ҳимояланган компьютер тармоғи бўйича амалга оширилади.

VI. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими амал қилиши тартиби

30. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими ҳам умуман республика ҳудудида, ҳам жойларда юзага келадиган радиациявий вазиятга боғлиқ равишда қўйидаги уч режимдан бирида фаолият кўрсатади:

1) *кундалик режим* қулай радиациявий вазиятда, яъни аҳолининг радиоактив нурланиши ва ҳудудларнинг радионуклиидлар билан белгиланган нормалардан ортиқча ифлосланиши хавфи юзага келиши таҳди迪 мавжуд бўлмаганда белгиланади.

Ушбу режимда:

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими бошқарув органлари, куч ва воситалари-нинг белгиланган вазифаларни бажаришга тайёргарлигини ошириш;

ахборот-таҳлил кичик тизимини такомиллаштириш;

моддий-техника ва молиявий ресурслар захирасини тўлдириш ва янгилаш;

радиациявий хавфли объектлар фаолият кўрсатиши барқарорлигини ошириш ва радиациявий жиҳатдан нобоп ҳудудларда экологик вазиятни соғломлаштириш;

Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвакт аниқлаш ва ҳаркат қилиш ягона давлат тизимининг барча элементлари фаолиятини ҳар томонлама (норматив-хуқуқий, ташкилий, моддий-техник, молиявий) таъминлаш тадбирлари бажарилади;

2) *юқори тайёрлик режими жој (худудлар)* радионуклиидлар билан ифлосланиши билан бирга кечадиган ва ахолининг белгиланган нормалардан ортиқча радиоактив нурланишига олиб келувчи турлича хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазият юзага келиши хавфи бўлган тақдирда белгиланади.

Ушбу режимда радиациявий хавфли обьектлар ва худудларда фавқулодда вазиятлардан (радиациявий авариялардан) хабардор қилиш ва уларни тугатиш бўйича режалар амалга киритилади. Уларга мувофиқ:

раҳбарлик қилувчи органлар ва бошқарув органларининг улар доимий жойлашган жойларда кеча-кундуз навбатчилик қилиши ташкил этилади;

потенциал хавфли обьектлар ва участкаларда (худудларда) радиациявий вазият устидан мониторинг олиб бориш кучайтирилади, уларда радиациявий фонни ўлчаш карралиги кўпаяди;

ихтисослаштирилган тузилмалар (бўлинмалар) ҳамда моддий-техника ва молиявий ресурслар захираси ҳаракатга тайёрлик ва улардан белгиланган вазифа бўйича фойдаланиш ҳолатига келтирилади;

радиациявий аварияларнинг эҳтимоли бўлган ёки юзага келган ўчокла-ри туманларига радиациявий назорат ва кузатишни кучайтириш мақсадида радиациявий назоратнинг мобил гурухлари юборилади;

эҳтимоли бўлган радиациявий аварияларнинг кўламлари ва оқибатларини прогнозлаштириш асосида ахоли ва худудларни химоя қилиш, шунингдек уларни таъминлаш бўйича тадбирлар усуллари бўйича зарур тузатишлар киритилади;

3) *фавқулодда режим* жойнинг радионуклиидлар билан ифлосланишига ва ахолининг белгиланган нормалардан ортиқча радиоактив нурланишига олиб келган турлича хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазият юзага келганда белгиланади.

Ушбу режим ундан олдинги юқори тайёрлик режимини четлаб ўтган холда жорий этилиши мумкин.

Фавқулодда режимда радиациявий авариялар кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни тугатиш бўйича режалар амалга киритилади. Уларга мувофиқ:

раҳбарлик қилувчи органлар ва бошқарув органларининг улар доимий жойлашган жойларда кеча-кундуз навбатчилик қилиши ташкил этилади;

вазиятни баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун радиоактив ифлосланиш ўчокларига биринчи бўлиб ҳаракат қилиш гурухлари юборилади;

моддий-техника ресурслари захираси жорий таъминлашга ва белгиланган вазифасига кўра фойдаланишга ўтказилган холда тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилади;

радиациявий назорат ва кузатишни кучайтириш мақсадида радиациявий авариялар ўчоклари юзага келган туманларга ва улар билан чегарадош худудларга радиациявий назоратнинг мобил гурухлари юборилади;

579-модда

— 60 —

51 (551)-сон

юзага келган радиациявий авариянинг кўламлари ва оқибатларидан ке-либ чиқиб аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилиш, шунингдек уларни хар то-монлама таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ташкил этилади ва амалга оширилади;

радиоактив ифлосланиш ўчоқлари кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида раҳбар органларни ва бошқарув орган-ларни доимий хабардор қилиш ташкил этилади.

31. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги радиа-циявий авариялар таҳди迪 ва юзага келишида саъй-харакатларни режалаш-тириш юзасидан ташкилий-методик раҳбарлик қилади.

VII. Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими амал қилишига қўйиладиган алоҳида талаблар

32. Моддий-техника ва молиявий ресурслар захираси радиациявий аварияларнинг олдини олиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни тугатиш бўйича чора-тадбирларни таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда зарур етарлилик тамойили бўйича ва маҳаллий хусусиятларни хисобга олган ҳолда маҳаллий ва обьектлар даражаларида ташкил этилади.

33. Захирага қўйиладиган ҳудудий моддий-техника ресурслари миқдори ва таркибини фавқулодда вазиятлар ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тавсиялари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилайди (радиациявий-хавфли обьектларда — объект тасарруфида бўлган ташкилот маъмурияти).

34. Молиявий ва моддий-техника ресурслари захираларини ҳисобга олиш, сақлаш, жамлаш ва янгилаш, шунингдек уларни ҳисобдан чиқаришни таъ-минлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юкландади.

35. Радиациявий авариялар таҳдидлари ва оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини молиялаштириш радиациявий ифлосланиш зоналаридаги обьект-лар маблағлари, тегишли вазирликлар ва идораларнинг, суғурта жамғармала-ри ва бошқа манбаларнинг маблағлари хисобига амалга оширилади.

36. Радиациявий авария таҳдидини ёки унинг оқибатларини тугатиш учун ресурслар етарли бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасининг захира жамғармасидан ажратилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 20 декабрдаги 358-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш
ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

Республика даражасида	РАПБАҲҚ раҳбар органилари	РАПБАҲҚ кундалик бошқарув органилари	Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш, улардан хабардор қилиш, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни тутгатиш кучлари ва воситалари	РАПБАҲҚ ахборот-таҳлил ёрдамчи тизими
Маҳаллий даражасида	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, ЎзР ФА, ДБҚ, «Ўзгидромет», Давлат геология кўмитаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, «Ўзгидромет», Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, Давлат геология кўмитаси, ДБҚ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ЎзР ФАнинг идоравий ихтисослаштирилган тузилмалари (бўлинмалари)	ФВВ КВБМ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзгидромет», Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Давлат геология кўмитаси, ДБҚ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ЎзР ФА навбатчи — диспетчерлик хизматлари
Объектлар даражасида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, ДБҚ, «Ўзгидромет» худудий бўлинмалари	Тегишли вазирликлар ва идоралар худудий бўлинмаларининг ихтисослаштирилган идоравий худудий тузилмалари; маҳсус химоя ийфма мобил отрядлари	Фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг ахборот-таҳлил хизматлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ДТМҚҚ, ДБҚ, «Ўзгидромет» худудий бўлинмаларининг навбатчи — диспетчерлик хизматлари
	Радиациявий хавфли объект маъмурияти (раҳбарияти)	Радиациявий — хавфли объектларнинг фавқулодда вазиятлар бўйича бўлимлари (мутахассислар)	Радиациявий — хавфли объектлар/ ИНМ мавжуд бўлган объектларнинг авария- техника командалари (гурухлари), радиациявий разведка, маҳсус ишлаш гурухлари ва бошқа тузилмалари	Радиациявий — хавфли объеккт / ИНМ мавжуд бўлган объектларнинг навбатчи — диспетчерлик хизмати (диспетчер)

Фойдаланилган қисқартмалар: ДБҚ — Давлат божхона кўмитаси; ФВВ — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги; ЎзР ФА — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ;
ФВВ КВБМ — Кризис вазиятларни бошқариш маркази ; ИНМ — ионлаштирувчи нурланиш манбай.

579-модда

— 62 —

51 (551)-сон

Вазирлар Махкамасининг

2012 йил 20 декабрдаги 358-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз)
манбалари аниқланганда назорат қилувчи органлар ва
мудофаа тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш
ТАРТИБИ**

Ушбу Тартиб ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбалари топилганда ўтказиладиган тадбирларнинг навбатлилигини ва уларни бажарувчиларни, шунингдек ахоли ва худудларнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги харакат қилиш бўлинмаларига юкландиган асосий вазифаларни ҳамда назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини белгилайди.

I. Асосий тушунчалар

Ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбаи (ИНСМ) — фаол ҳаракатлар билан топилган ёки аниқланган ва ионлаштирувчи нурланиш манбалари (ИНМ) миллий реестрига киритилмаган радиоактив модда ёки ядрорий материал.

Ҳаракат қилиш бўлинмалари — жойнинг радиациявий ифлослантириш ўчори юзага келишидан хабардор қилиш ва (ёки) аниқлаш (радиациявий разведка), уларнинг кенгайишига йўл кўймаслик (белгилаш ва чеклаш) ҳамда тугатиш (ИНМни зарарсизлантириш, дезактивлаштириш) бўйича ишларни ўтказиш учун мўлжаллаб маҳсус тайёрланган ва жихозланган тузилмалар.

**II. Санкцияланмаган (эгасиз) ИНМ топилганда
тадбирларни ўтказиш тартиби**

Радиоактив моддалар (РМ) ва радиоактив чиқиндилар (РАЧ) айланиши субъектларида уларнинг, шунингдек топилган ёки РМ ва РАЧ ўқолиши аниқланган ҳолларда улар бир соат мобайнида бу тўғрида юкори ташкилотни (мавжуд бўлса), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини, Миллий хавфсизлик хизматини ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясини хабардор қилади. Топилган ва хисобга олинмаган РМ ва РАЧ хисобга кўйилади (Вазирлар Махкамасининг «Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядрорий материаллар айланишини давлат томонидан хисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2009 йил 13 августдаги 231-сон қарори).

РМ ва РАЧ айланиши субъектларининг жавобгарлиги доирасидан ташкарида ИНСМ топилган ёки аниқланган тақдирда ўзаро хабардор қилиш ушбу

Тартибга иловага мувофик ИНСМ топилганда назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш схемаси бўйича амалга оширилади.

ИНСМ топилган тақдирда ўтказиладиган ишларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ходиса рўй берган жойда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва (ёки) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳаракат қилиш бўлинмалари кучлари билан радиациявий разведка амалга оширилади. Радиациявий разведка якунлари бўйича жойнинг радиациявий ифлосланиш зонаси (ўчоги) аниқланади ва белгиланади.

Худудий (идоравий) Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ) радиациявий хавфсизлик бўлими (РХБ) мутахассислари томонидан радиациявий режим белгилангандан кейингина ҳаракат қилиш бўлинмалари радиациявий заҳарланиш ўчогининг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш ишларига қўйилади.

ИНСМ топилган (аниқланган) жойда ўтказиладиган барча тадбирлар ишлар раҳбари (қарор қабул қилувчи шахс)нинг назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг етиб келган мутахассислари (экспертлари) тақдим этган таклифлар асосида қабул қилган қарорига мувофик амалга оширилиши керак. ИНСМ топилган жойда ишларни ўтказиш юзасидан қарор худудий (идоравий) ДСЭММнинг радиациявий хавфсизлик бўлими эксперти (мутахассиси) таклифисиз қабул қилиниши мумкин эмас.

Ҳаракат қилиш бўлинмаларининг шахсий таркиби радиациявий ифлосланиш ўчогида ишлаш учун нафас олиш органлари ва терини химоялаш, шунингдек якка тартибда ва гуруҳли радиометрик назорат воситалари (до-зиметрлар) билан таъминланган бўлиши керак.

Ядрориявий авариялар ва (ёки) ядрорий қўпорувчилик ҳодисалари рўй берганда ҳаракат қилиш бўлинмаларининг шахсий таркибига радиациявий ифлосланиш ўчогидаги ишлардан олдин специфик ўодли профилактика қўлланади.

Радиациявий ифлосланиш ўчогидан чиқиш чоғида барча ходимлар ва шахсий таркиб якуний махсус ва санитария ишловидан ўтиши керак.

III. ИНСМ топилган (аниқланган) ҳолларда назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг функционал вазифалари

ИНСМ топилганлиги (аниқланганлиги) тўғрисида ахборот олингач назорат қилувчи органлар ва тегишли мудофаа тузилмалари ўзларига юклangan функцияларга мувофик тадбирларни бажаришга киришадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган махсус орган (комиссия) орқали ИНСМни идентификациялаш ва зарарсизлантириш бўйича тадбирларга жалб этиладиган назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг, бошқа вазирликлар ва идораларнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

579-модда

— 64 —

51 (551)-сон

зарурат бўлганда радиациявий аварияларнинг олдини олиш, кенгайишига йўл қўймаслик ва оқибатларини тугатиш бўйича тадбирларга Мудофаа вазирлиги қўшилмалари, қисмлари ва муассасаларини жалб этиш тўғрисидаги қарорни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқлашга киритиш.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

ИНСМ топилганлиги ҳолати тўғрисида вазирликлар ва идораларни, шунингдек мудофаа тузилмаларини хабардор қилиш;

ходиса (топилган) жойига тезкорлик билан етиб келиш;

радиациявий разведкани ташкил этиш ва ўтказиш;

радиациявий ифлосланиш ўчоги (РИЎ) кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш ишларини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш учун таклифларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ИНСМни заарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ишларини амалга оширишни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

радиациявий ифлосланиш ўчоги (РИЎ)даги ишларга жалб этиладиган шахсий таркибни якка тартибда дозиметрик назорат қилиш;

РИЎдаги дезактивация ишларининг ҳамда маҳсус ишлов бериш пункти (МИБП)да шахсий таркибни ва техникани маҳсус кўриқдан ўтказишнинг сифатини назорат қилиш;

юқори ва ўзаро ҳаракат қилувчи бошқарув органларини ИНСМни заарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ишларининг натижалари тўғрисида хабардор қилиш.

Соғликни сақлаш вазирлиги:

ходиса (топилган) жойига етиб келиш;

радиациявий разведкани ва материални идентификациялашни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш;

вазиятни (хавфлиликни) баҳолаш ва радиациявий хавфсизлик режимини аниқлаш;

РИЎнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва тугатиш ишларини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш учун таклифларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ИНСМни заарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ишларини ташкил ва ўтказишда қатнашиш;

РИЎдаги ишларга жалб этиладиган ходимларни ва шахсий таркибни якка тартибда дозиметрик назорат қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

РИЎдаги дезактивация ишларининг ҳамда маҳсус ишлов бериш пункти (МИБП)да шахсий таркибни ва техникани маҳсус кўриқдан ўтказишнинг сифатини назорат қилиш;

топилган (аниқланган) ИНСМни идентификация қилиш натижаларини хужжатлаштириш, шунингдек улар бўйича юқори ва ўзаро ҳаракат қилувчи бошқарув органларини хабардор қилиш.

Ички ишлар вазирлиги:

бегона шахсларни ва автотранспорт воситаларини киритмаслик мақсадида хавфли зона худудини ўраб олиш ва қўриқлашни ташкил этиш;

топилган (аниқланган) ИНСМнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича тергов-тезкор тадбирларини ўтказиш;

одамларни ва бегона автотранспортни хавфли зона худудидан эвакуация қилишда қатнашиш;

топилган (аниқланган) ИНСМни олиб чиқиб кетиш йўналиши бўйича кузатиб боришни ташкил этиш;

бошқарув органларини, ўзаро харакат қилувчи ва назорат қилувчи вазирликлар ва идораларни ўтказилган маҳсус ишларнинг натижалари тўғрисида хабардор қилиш.

Давлат божхона қўмитаси:

ўзаро харакат қилувчи ва назорат қилувчи вазирликлар ва идораларни республика худуди орқали (унга ва ундан) транзит бўйича олиб кириш (олиб чиқиб кетиш) юзасидан радиациявий назоратни амалга ошириш чогида ИНСМ топилиши (аниқланиши) ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш;

топилган (аниқланган) ИНСМни дастлабки радиометриялаш ва идентификациялашни ўтказиш;

ходимларни ва ахолини ИНСМнинг заарали таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

топилган (аниқланган) ИНСМларни олиб киришга ёки транзит бўйича (жўнатувчига) кайтаришга, шунингдек уларнинг санкциясиз олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик бўйича тартиботлар юзасидан белгиланган тартибда ташаббус кўрсатиш;

топилган (аниқланган) ИНСМни идентификациялаш ва олиб чиқиб кетиш ишлари тугагунгача ИНСМнинг дахлсизлигини таъминлаш;

топилган (аниқланган) ИНСМни идентификациялаш ва зарарсизлантириш тадбирларини ҳар томонлама таъминлаш.

Миллий хавфсизлик хизмати:

кўпорувчиликка қарши курашиш бўйича тезкор-қидирув ишлари натижасида аниқланган ИНСМ топилгандаги харакатларга умумий раҳбарлик қилиш, ўзаро харакат қилувчи бошқарув органларини ҳамда назорат қилувчи вазирликлар ва идораларни ИНСМ аниқланганлиги ҳоллари тўғрисида хабардор қилиш;

назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг, жалб этиладиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг ўзаро харакат қилувчи бўлинмали ишлари натижалари тўғрисида ахборот алмашиш тартиби ва доираларини келишиш;

аниқланган ИНСМнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича тергов-тезкор тадбирларини ўтказиш;

топилган (аниқланган) ИНСМни олиб чиқиб кетиш йўналиши бўйича кузатиб боришни ташкил этиш (зарурат бўлганда);

РИЎдаги ишларга жалб этиладиган шахсий таркибни якка тартибда дозиметрик назорат қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, кейинчалик ходимлар томонидан олинган ионлаштирувчи нурланиш дозаларини якка тартибда хисобга олиш.

«Саноатгеоконтехназорат» ДИ:

579-модда

— 66 —

51 (551)-сон

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Республика радиоактив чиқиндиларни кўмиб ташлаш пункти РРЧКП учун топилган (аниқланган) ИНСМни кўмиб ташлаш бўйича тадбирлар комплексини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли хулоса бериш ва рухсатнома тайёрлаш;

топилган (аниқланган) ИНСМни идентификациялашда қатнашиш;

топилган (аниқланган) ИНСМнинг ҳисобга олинишини / ҳисобдан чиқарилишини таъминлаш;

юқори, мувофиқлаштирувчи ва ўзаро ҳаракат қилувчи органларни ИНСМни заарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ишларининг натижалари тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти (Ўзбекистон Республикаси ФА ЯФИ):

экспертларнинг етиб келишини ва уларнинг топилган радиоактив материални жойида (имкониятга кўра) идентификациялашда қатнашишини таъминлаш;

иссиқ камерадаги ишлар;

зарурат бўлганда топилган (аниқланган) ИНСМнинг вақтинча сақланишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Республика радиоактив чиқиндиларни кўмиб ташлаш пункти:

махсус автотранспортнинг ИНСМ топилган (аниқланган) жойга етиб келишини таъминлаш;

«Саноатгеоконтехназорат» ДИнинг махсус рухсатномаси олингандан кейин аниқланган ИНСМни юклаш ва доимий РРЧКП ёки вақтинчалик (Ўзбекистон Республикаси ФА ЯФИ) сақлаш жойига етказиб бериш;

топилган (аниқланган) ИНСМни кўмиб ташлаш (узоқ вақт сақлаш).

ИНСМ аниқланганда назорат қилувчи органлар ва мудофаа тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибига
ИЛОВА

**ИНСМ топилганда назорат қилувчи органлар ва мудофаа
тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш
СХЕМАСИ**

